

2021 й., 27 апрель

Ўзбекистон Республикасида
стартапларни ривожлантириш бўйича

ДАЙЖЕСТ

Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлиги
хузуридаги Илмий-техник ахборот маркази
Тошкент - 2021 й.

Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирининг кириш сўзи	3
Ўзбекистонда стартап-лойиҳаларни амалга оширишни қўллаб-қувватлаш механизмлари	4
Илм-фанни молиялаштириш ва инновацияларни қўллаб-қувватлаш жамғармаси фаолияти	6
Илғор технологиялар маркази қошидаги "С.А.Т. Science Accelerator" инновацион стартап акселератори	8
Стартап экотизимини ривожлантириш бўйича Ёшлар академияси фаолияти	11
Фарғона водийсида стартап-лойиҳаларни амалга ошириш бўйича "Ёшлар инновация маркази"	13
Стартаплар бўйича халқаро ҳамкорлик	15
Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлиги томонидан амалга оширилган стартап-лойиҳалар	19
"UZVC" миллий венчур фонди	24
Илмий ишланмаларни тижоратлаштириш	25
"Стартаплар тўғрисидаги" қонун лойиҳаси	27
Манбалар	29

Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирининг кириш сўзи



Тўртинчи саноат инқилобининг юзага келиши билан жаҳон иқтисодиётда технологияларнинг ривожланиши ва инновацияларни жадаллаштириш билан боғлиқ бир қатор ўзгаришлар юз берди. Инновацион иқтисодиётнинг ўсиши ва барқарор ривожланиш мақсадларини яхшилаш тадбиркорлик даражасини ошириш учун муҳим омил бўлади.

Сўнги йилларда Ўзбекистонда илмий-инновацион фаолиятни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш, мамлакатнинг инновацион салоҳиятини шакллантириш ва янада ривожлантириш учун қулай шарт-шароитлар яратишнинг самарали механизмларини ишлаб чиқишга қаратилган бир қатор чора-тадбирлар амалга оширилди.

Давлат томонидан инновацияларни қўллаб-қувватлаш мақсадли йўналтирилган чора-тадбирлар орқали амалга оширилади. Хусусан, инновацион инфратузилма объектлари, инновацион ривожланиш институтлари фаолияти йўлга қўйилди: фондлар, стартап-акселераторлар, инкубаторлар ва технопарклар ишга туширилди. Ёшларнинг ижодий, интеллектуал ва тадбиркорлик салоҳиятини рўёбга чиқариш, инновацион ғоя ва лойиҳаларни реал секторга жорий этиш учун зарур шарт-шароит яратилмоқда. Таъкидлаш жоизки, Инновацион ривожланиш вазирлиги мамлакатда стартап экотизимини ривожлантиришда фаол ишларни амалга оширмоқда.

Вазирлик ташаббуси билан стартап-лойиҳаларни амалга ошириш, ёш олимлар ва талабаларнинг жаҳон амалиётида илмий тадқиқот усулларини ва замонавий технологияларни ўзлаштириши ҳамда қулай шарт-шароитлар яратиш мақсадида Инновацион ривожланиш ва новаторлик ғояларини қўллаб-қувватлаш жамғармаси, Илғор технологиялар маркази қошида Инновацион стартап акселератор, Ёшлар академияси ва "UzVC" Миллий венчур фонди ташкил этилди.

Бундан ташқари, вазирлик томонидан маҳаллий олимларнинг иқтисодиётнинг тегишли тармоқларига татбиқ этилишида иқтисодий самарага эга бўлган ишланмаларини тижоратлаштириш ишлари олиб борилмоқда.

Жорий йилнинг 13 апрель куни давлатимиз раҳбари Ш.Мирзиёев томонидан ўтказилган видеоселектор йиғилишида ёшлар бандлигини таъминлаш ва бўш вақтини мазмунли ташкил этиш борасида белгиланган вазифалар ижроси юзасидан, Инновацион ривожланиш вазирлиги ҳузуридаги Илмий-техник ахборот маркази томонидан Ўзбекистонда стартапларни ривожлантириш бўйича дайжест тайёрланди.

*Ўзбекистон Республикаси инновацион ривожланиш вазири
И. Ю. Абдурахмонов*

Ўзбекистонда стартап-лойиҳаларни амалга оширишни қўлаб-қувватлаш механизмлари

Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 9 мартдаги "Илмий-тадқиқот ва инновацион фаолиятни ривожлантиришнинг норматив-ҳуқуқий базасини янада такомиллаштириш чоратадбирлари тўғрисида"ги 133-сон қарорига мувофиқ стартап-лойиҳаларни танлаб олиш бўйича Инновацион ривожланиш вазирлиги ҳузуридаги илмий-техник кенгашлар тўғрисидаги Низомлар тасдиқланди.



Мазкур Низом бошланғич лойиҳаларнинг асосий тушунча ва тамойиллари белгилаб берилган. Стартаплар ушбу Низомга мувофиқ тасдиқланиб, Инновацион ривожланиш ва новаторлик ғояларини қўлаб-қувватлаш жамғармаси орқали ҳамда, Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетидан Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлигига ажратилган маблағлар асосида

молиялаштирилади. Вазирлик йилига камида икки марта лойиҳалар учун муддатлар кўрсатилган ҳолда стартап танловини эълон қилади.

Лойиҳа ҳужжатларини қабул қилиш ишчи орган томонидан амалга оширилади.

Стартап-лойиҳалар уч босқичли экспертизадан ўтказилади:

- 1) Биринчи босқич – техник экспертиза: лойиҳаларнинг танлов шартларига жавоб беришини текшириш учун дастлабки босқичда амалга оширилади;
- 2) Иккинчи босқич – молия-иқтисодий экспертиза: бунда экспертизадан муваффақиятли ўтган лойиҳаларнинг молиявий ва иқтисодий томондан мукамаллиги текширилади;
- 3) Учинчи босқич – илмий-техник кенгаш экспертизаси: илмий-техник кенгашнинг биринчи ва иккинчи босқичларидан муваффақиятли ўтган лойиҳалар, илмий-техник кенгаш йиғилишида кўриб чиқилди ва баҳоланади.

Лойиҳани бошланғич молиялаштириш Коллегия органнинг қарори билан амалга оширилади.

Стартап-лойиҳаларни амалга ошириш жараёнида ишчи гуруҳ доимий равишда мониторинг олиб боради.

Ўзбекистонда стартап-лойиҳаларни амалга оширишни қўлаб-қувватлаш механизмлари

Стартап-лойиҳаларни тасдиқлаш ва молиялаштириш тартиби

	Субъектлар	Амалга ошириладиган тадбирлар	Бажариш муддатлари*
1	Инновацион ривожланиш вазирлиги (Буюртмачи)	Истиқболли стартап-лойиҳаларга эълон беради ва бу ҳақда ўзининг расмий веб-сайтида ва зарур ҳолларда бошқа оммавий ахборот воситаларида эълон қилади.	Бир йилда камида 2 марта
2	Давлат бошқаруви органлари, ҳўжалик бирлашмалари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, илмий фаолият субъектлари, хусусий компаниялар ва жисмоний шахслар	Стартап-лойиҳалар эълонига мувофиқ лойиҳаларни тақдим этади.	Эълон муддатларига мувофиқ
3	Буюртмачи	Тақдим этилган стартап-лойиҳаларнинг экспертизасини амалга ошириш учун танловга тақдим этилган талабномаларнинг танлов шартларига мос эканлиги юзасидан техник ва молиявий-иқтисодий экспертизадан ўтказади	Техник экспертиза – 5 кун маддатда Молиявий-иқтисодий экспертиза – 10 кун муддатда
4	Илмий-техник кенгаш	Экспертизадан ўтказади, экспертиза натижаларини таҳлил қилади ва Буюртмачига кўриб чиқиш учун тақдим этади.	5 иш куни ичида
5	Коллегиал орган	Стартап-лойиҳаларни молиялаштириш тўғрисида қарор қабул қилади. Стартап-лойиҳаларни молиялаштириш билан боғлиқ мунозарали саволлар вужудга келса, ушбу масала Жамоатчилик кенгашига кўриб чиқиш учун киритилиши мумкин.	5 иш куни ичида
6	Жамоатчилик кенгаши	Коллегиал орган мажлисида мунозарали саволлар вужудга келган стартап-лойиҳани молиялаштириш ёки молиялаштиришни рад этиш тўғрисида тавсиявий аҳамиятга эга қарор қабул қилади.	Ҳужжатлар тақдим этилгандан бошлаб 10 кун муддатда
7	Буюртмачи	Ижобий баҳоланган ва молиялаштиришга тавсия этилган стартап-лойиҳаларнинг якуний рўйхатини тасдиқлайди.	Ҳужжатлар тақдим этилгандан бошлаб 1 ой ичида

*Изоҳ: Стартап-лойиҳаларнинг мураккаблиги ва экспертлар гуруҳининг қарорига мувофиқ муддатлар узайиши мумкин.

Илм-фанни молиялаштириш ва инновацияларни қўлаб-қувватлаш жамғармаси фаолияти

2019 йилдан бошлаб Ўзбекистон Республикаси инновацион ривожланиш вазирлиги ҳузуридаги илм-фан ва инновацияларни қўлаб-қувватлашни молиялаштириш жамғармаси 46,8 млрд сўмни ташкил этувчи жами 58 та лойиҳа молиялаштирилди, шундан 48 таси стартап-лойиҳалар (40,6 млрд сўм) ва 10 таси инновацион, илмий-тадқиқот ва тажриба-конструкторлик лойиҳалар (6,2 млрд сўм).

Жамғарма томонидан молиялаштириладиган лойиҳалар сони




Йўналишлар бўйича молиялаштирилган стартап-лойиҳалар тақсими



Йўналишлар бўйича молиялаштирилган стартап-лойиҳалар тақсими

Жамғарма томонидан энг кўп молиялаштириладиган лойиҳалар ИТ-технологиялар (11), қишлоқ хўжалиги (9) ва соғлиқни сақлаш (7) соҳаларида ажратилган.



- ИТ-технологиялар ва рақамлаштириш
- Қишлоқ хўжалиги
- Соғлиқни сақлаш соҳаси
- Транспорт ва энергетика
- Робототехника ва автоматика
- Қурилиш саноати
- Озиқ-овқат саноати
- Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш
- Бошқа соҳалар
- Ноширлик соҳаси

Илм-фанни молиялаштириш ва инновацияларни қўлаб-қувватлаш жамғармаси фаолияти

10 та стартап-лойиҳалар молиялаштириш якунланиб, улардан 9 таси ўз-ўзини қоплашга ўтди.

№	Ўз-ўзини қоплашга ўтган стартап-лойиҳалар	Яратилган иш ўринлар	Маҳсулот турлари сони	Даромад (млн сум)
1	"Топинамбурдан шифобахш биологик фаол қўшимчалар ишлаб чиқариш ва экспортга йўналтириш"	12	17	130
2	"Техника оламига илк қадам"	3	4	80
3	"1UZ ДИРЕКТОР – Ташкилотлар фаолиятининг назорати ва мониторинги ахборот тизимини ишлаб чиқиш"	6	2	50
4	"Госсипол смоласидан нефтсиз қурилиш битуми олиш технологиясини ишлаб чиқаришга тадбиқ қилиш"	7	1	54
5	"Эргономик ARM манипуляторни ишлаб чиқаришга татбиқ этиш"	4	1	240
6	"Қонни биокимёвий таҳлил қилиш учун диагностик тўпламлар яратиш ва ишлаб чиқариш"	7	1	600
7	"Озуқабоп экинлар нав ва дурагайлари чиқиндиларидан гранула ишлаб чиқариш"	4	5	90
8	"Маҳаллий хом ашёлардан халқаро стандартларга мувофиқ ерёнғоқдан сифатли экспортга йўналтирилган диабетик ҳолва ва пасталарни ишлаб чиқаришни яратиш бўйича Ўзбекистонда биринчи инновацион лойиҳа"	8	2	500
9	"Юқумли касалликларни ташхислаш ва профилактика қилишни такомиллаштириш, гўшт-сут маҳсулотлари сифатини яхшилаш, касаллик кўзғатувчилари манбаасини соғломлаштириш орқали касалликларнинг эпидемиологик аҳамиятини пасайтириш учун маҳаллий инновацион препаратларни жорий этиш"	6	3	500
Жами		62	36	2 244

Илғор технологиялар маркази қошидаги "С.А.Т. Science Accelerator" инновацион стартап-акселератори



Илмий маҳсулотларни тижоратлаштиришни таъминлаш мақсадида Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 11 сентябрдаги "Инновацион фаолиятни янада қўлаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ВМҚ-721-сонли қарорига биноан Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлиги ҳузуридаги Илғор технологиялар маркази қошида илмий стартап-акселератор

"С.А.Т. Science Accelerator" тузилди – Ўзбекистондаги биринчи "тезлаштирилган" илмий лойиҳаларни амалга ошириш ва илмий ишланмаларни тижоратлаштириш йўлга қўйилди.

Стартап-акселераторнинг асосий вазифаси лойиҳалар бўйича тренинг ўтказиш, маҳсулотни ишлаб чиқишда лабораториялар билан таъминлаш, лойиҳанинг бизнес моделини яратиш, стартаплар учун дастлабки 2-3 йили қулай шароит яратишдан иборат.

"С.А.Т. Science Accelerator" 2018 йил сентябрда программанинг биринчи босқичи иш бошлади.

Акселераторга 130 та ариза келиб тушиб, шундан 28 та лойиҳа саралаб олинди. Акселераторнинг олти ойи давомида жамоалар семинар ва тренингларда иштирок этишди, уларда бизнес асослари, солиқ асослари, бизнесни план, ташкилий-ҳуқуқий шакллар, инвесторлар учун тақдимотлар ўтказиш

асослари тўғрисида билимларга эга бўлдилар.



Стартапчилар катта ҳажмдаги ишларни Илғор технологиялар маркази лабораториялари негизда амалга оширилиб, ёш олимлар илмий-тадқиқот ишларини олиб бориш учун асбоб-ускуналар ва реактивлар билан таъминланди.



2019 йилда Марказ томонидан илмий институтлар ва университетларнинг 60 та ёш олимларидан ташкил топган 20 та стартап-гуруҳ тайёрланди, стартап танловига 10 та лойиҳа тақдим этилиб, улардан 4 таси Инновацион ривожланиш вазирлиги фонди томонидан молиялаштирилмоқда. 2020 йилда республика минтақалари ва Марказий Осиё давлатларидан келган 22 стартап жамоалар акселерациядан ўтди.

Илғор технологиялар маркази қошидаги "CAT Science Accelerator" инновацион стартап-акселератори



2020 йил январ ойида "С.А.Т. Science Accelerator 2.0" акселерациянинг иккинчи босқичи учун аризалар эълон қилинди. Аризалар нафақат Ўзбекистондан, балки Марказий Осиёдан ҳам қабул қилинди. Жами 253 та ариза келиб тушган бўлиб, шундан Ўзбекистондан 232 та, Россиядан 2 та, Қозоғистондан 4 та, Қирғизистондан 7 та ва Тожикистондан 8 та ариза келиб тушган.

Ўзбекистонда "С.А.Т. Science Accelerator" нинг биринчи илмий акселераторнинг финали, 2020 йил 7 Май куни Илғор технологиялар марказида бўлиб ўтди. Финалга 17та жамоа етиб келди. Асосий фаол босқич қатъий карантин шароитларига тўғри келганлиги сабабли "С.А.Т. Science Accelerator" онлайн платформага кўчди. Йўлга қўйилган Accelerator.uz онлайн-платформа орқали акселерация доирасида онлайн



тренинглари, хорижий маърузачилар билан машғулотлар, жамоавий қузатув, веб-семинарлар ва онлайн-конференцияларни тўлиқ онлайн форматда ўтказилди.



"С.А.Т. Science Accelerator" акселератори GISTTechConnect-га (техника фанлари соҳасидаги интерактив веб-семинарлар дастури) дунё мутахассислари билан онлайн трансляцияларда иштирок этиш имкониятига эга бўлди. Акселератор гуруҳлари учун бир қатор веб-семинарлар Кремниевой Долина дан маърузачи, Western Digital компаниясининг глобал муҳандислик бўйича директори

Erin Keeley томонидан ўтказилди.

YouTube-нинг трансляция форматидаги стартапларни молиялаштириш бўйича Speed Mentoring сессияларидан бири Қозоғистонлик маърузачилар – ВСРД Ltd (МФЦА Бюроси) шериклик маркази раҳбари Диана Цой ва Women In Tech Foundation раҳбари Малика Жанибек томонидан ўтказилди.

Demo Day га ўзларининг илмий стартап-лойиҳаларини инвесторларга тақдим этишлари якунига энг кучли 12 та жамоа етиб келди. Қуйидаги лойиҳалар танлов ғолиблари бўлди:

Илғор технологиялар маркази қошидаги "CAT Science Accelerator" инновацион стартап-акселератори



1-ўрин – "Defuselt" (масофавий бошқарув ёрдамида қишлоқ хўжалигида сувни филтрли тозалаш) ва "TumorOnTarget" (ПЦР асосида HER2 онкомаркернинг ҳолатини аниқлаш усули) лойиҳалари;

2-ўрин – "Logos" (инсултни ўтказган беморларда нутқни тиклаш учун ўзбек тилидаги мобил дастур) ва "Innocense Bio" (зараркунандалар ва ўсимлик касалликларига

қарши курашиш учун биологик маҳсулотлар) лойиҳалари;

3-ўрин – "Тиш парилари" (болаларда тиш эмаль касаллиги асоратларини олдини олиш учун гел) лойиҳаси.



2021 йил 6 январда "C.A.T. Science Accelerator Biotech" дастурида биотехнологик стартапларнинг иштироки учун танлов эълон қилинди. 16 февраль куни Марказда ScienceThon – акселераторга мурожаат қилган жамоалар билан биринчи учрашув бўлиб ўтди. Аризалар нафақат Ўзбекистондан, балки Марказий Осиё мамлакатларидан ҳам қабул қилинди. Жами 137 та мурожаат келиб тушган

бўлиб, улардан 123 таси Ўзбекистондан, 1 таси Венгриядан, 1 таси Қозоғистондан, 5 таси Қирғизистондан ва 7 таси Тожикистондан. Февраль ойида бўлиб ўтган суҳбат жараёнида 37 та лойиҳадан 14 таси танлаб олинган бўлиб, улар акселерациянинг навбатдаги босқичига ўтишди.



Стартап экотизимини ривожлантириш бўйича Ёшлар академияси фаолияти

Президентимизнинг 2019 йил 30 августдаги "Ёшларни илм-фан соҳасига жалб этиш ва уларнинг ташаббусларини қўллаб-қувватлаш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида" ги ПҚ-4433-сонли фармонида мувофиқ Инновацион ривожланиш вазирлиги ҳузурида Ёшлар академияси ташкил этилган бўлиб, иқтидорли ёшларнинг ташаббусларини қўллаб-қувватлаш, халқаро миқёсда маҳаллий

илм-фаннинг рақобатбардошлигини таъминлаш, мавжуд илмий мактабларнинг салоҳиятини мустаҳкамлаш, шунингдек, уларнинг инновацион салоҳиятини ривожлантиришга қаратилган.



Ёшлар Академиясининг асосий вазифалари давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, илмий-тадқиқот ва таълим муассасалари билан ҳамкорликда ёшларни ижодий, интеллектуал ва тадбиркорлик салоҳиятини ошириш, иқтидорли ва ташаббускор ёшларни мамлакатнинг етакчи олимлари ва ишбилармонлари билан ҳамкорлигини таъминлаш, илмий-тадқиқотларни бажариш иштиёқига эга иқтидорли ёшларни

қўллаб-қувватлаш, амалий ва инновацион тадқиқотларни олиб боришларига имкон яратиш, янги авлод ёш олимларини тайёрлаш бўйича тизимли ишларни амалга ошириш, шунингдек, ёш олимлар томонидан аниқ вазифаларни ҳал этишга, ички ва ташқи бозорларда талаб юқори бўлган илғор технологик ишланмаларни ишлаб чиқишга қулай шароитлар яратишдир.



Ундан ташқари, илмий-инновацион акселератор ва бизнес-инкубаторларни ташкил этиш асосида ташаббускор ёшларни тадбиркорлик фаолиятига йўналтиришдан иборат.

Ёшлар академияси платформаларига инновацион ғоя ва технологияларни ривожлантириш ва уларни амалиётга татбиқ этишга муносиб ҳисса қўшган 40 ёшдан ошмаган ёш олимлар ва талабалар ҳамда

ташаббускор фуқаролар танлов асосида қабул қилинади.


Шунингдек, иқтидорли ва ташаббускор ёшлардан иборат жамоаларни танлов асосида аъзоликка қабул қилиш бўйича 4 та платформалар яратилган:

Стартап экотизимини ривожлантириш бўйича Ёшлар академияси фаолияти

1. "Ғоялар генератори" – Ёшлар академиянинг асосий йўналишларига мос келадиган муайян бир муаммони ечимига ҳал қилишга қаратилган инновацион ғояга эга жамоалар платформаси;
2. "Стартаплар" – ўз ғояси ва ушбу ғояни амалга оширишга қаратилган стартап-лойиҳалар ва уларни амалга ошириш бўйича аниқ режага эга жамоалар платформаси;
3. "Бизнес вакиллари" – фаолиятида илм-фан ва инновация ютуқларини қўллаган ва тегишли соҳада камида 1 йиллик тажрибага эга бўлган жамоалар платформаси;
4. "Бўлажак академиклар" – юқоридаги платформаларда фаол иштирок этган, мамлакатнинг илм-фан ривожланишига катта ҳисса қўшаётган юқори илмий салоҳиятга эга олимлар платформаси.

2020 йилда ўтказилган "Энг яхши 20 та "Start-up" лойиҳалари" танлови доирасида 519 та лойиҳа аризаси қабул қилинган бўлиб, улар орасидан 438 таси олий ўқув юртлари ва 81 та бошқа ташкилотлар томонидан тақдим этилган. Танлов натижаларига кўра, жами 1,342 миллион сўмлик 20 та стартап-лойиҳалар танлаб олинди.

Йўналишлар бўйича "Энг яхши 20 та "Start-up" лойиҳалари" танловига аризалар тақсимоти



Таъкидлаш жоизки, Ёшлар академияси доирасида Ўзбекистон келажаги учун муҳим аҳамиятга эга сунъий интеллект, қайта тикланадиган энергия, робототехника, мехатроника, фармацевтика, биотехнология, дастурлаш, саноат дизайни, 3D-моделлаштириш ва бошқа истиқболли йўналишларда амалий, инновацион ва стартап-лойиҳалар амалга оширилмоқда



Фарғона водийсида стартап-лойиҳаларни амалга ошириш бўйича "Ёшлар инновация маркази"



Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 17 октябрдаги 832-сонли "Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлиги ҳузурида ёшлар инновация марказини ташкил этиш тўғрисида" ги қарорига мувофиқ, ёшларнинг ижодий, интеллектуал ва тадбиркорлик салоҳиятини рўёбга чиқариш, инновацион ғоялар, лойиҳалар ва технологияларни ишлаб чиқаришга жорий

қилиш, олимлар ва тадбиркорларнинг инновацион фаолиятини рағбатлантириш, илм-фан, таълим ва ишлаб чиқариш интеграциясини кучайтириш учун зарур шарт-шароитлар яратиш, Фарғона водийси вилоятларининг саноати ва иқтисодиётининг бошқа тармоқлари рақобатбардошлигини ошириш мақсадида Фарғона шаҳрида Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлиги ҳузурида ёшлар инновация маркази ташкил этилди.

Марказда Фарғона водийсидаги олий ўқув юрлари ва илмий-тадқиқот ва олий таълим муассасалари талабаларининг, ёш олимлар ва ўқитувчиларнинг интеллектуал ва ижодий салоҳиятини ошириш мақсадида инновацион лойиҳаларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш учун замонавий илмий ва лаборатория ускуналари, ахборот-коммуникация технологиялари билан жиҳозланган технологик ва ишлаб чиқариш майдончалар билан таъминланди.



Марказ илмий-лаборатория тадқиқотлари ўтказиш, саноат маҳсулотларининг прототиплари, прототипларини ишлаб чиқариш ва уларнинг натижаларини ишлаб чиқаришга жорий этиш орқали иқтисодиёт тармоқлари ва корхоналарининг илмий-техник муаммоларини ҳал қилишга ёшлар, олимлар ва тадбиркорларни жалб этишга, шунингдек самарали ёрдам кўрсатишга қаратилган. натижаларни ўтказиш

ва тижоратлаштиришда инновацион фаолият, рўёбга чиқаришга тайёр бўлган истиқболли стартап-лойиҳаларни танлаш ҳамда ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, уларни саноат даражасида тўлақонли амалга оширишни қўллаб қувватлаш;

Фарғона водийсида стартап-лойиҳаларни амалга ошириш бўйича "Ёшлар инновация маркази"



Марказ ёшлар, олимлар ва тадбиркорларни илмий ва лаборатория тадқиқотлари ўтказиш орқали саноат маҳсулотларининг прототипларини ишлаб чиқариш ва уларнинг натижаларини ишлаб чиқаришга жорий этиш орқали иқтисодиёт тармоқлари ва корхоналарининг илмий-техник муаммоларини ҳал қилиш, шунингдек, инновация натижаларини трансфери ва тижоратлаштириш, стартап-лойиҳаларни амалга ошириш, уларни саноат даражасида тўлиқ амалга оширишда самарали ёрдам кўрсатишга қаратилган.

Марказ автомобилсозлик, энергетика, кимё, тўқимачилик, озиқ-овқат саноати, қурилиш материаллари саноати ва қишлоқ хўжалиги соҳаларида инновацион технологиялардан фойдаланган ҳолда стартап-лойиҳаларни амалга оширади. Марказ, шунингдек, ёш олимлар ва тадбиркорларга коворкинг маркази, консалтинг, молиявий, бухгалтерия ҳисоби, шунингдек, бизнес-акселератор хизматлари, ахборот-коммуникация



воситалари ва Интернетдан фойдаланиш имкониятларини тақдим этади.



Ёшлар инновацион марказида амалга оширилаётган истиқболли лойиҳалардан бири бу **"Маҳаллий хом-ашёдан энергиятежамкор суяқ иссиқлик изоляция қопламаси "IZOFULL нано"**ни ишлаб чиқаришни ташкил этиш" стартап-лойиҳаси (850 млн сўм) – иссиқ сув ва буғ хосил қилиш қурилмаларини, муҳандислик тармоқлари қувурларини иссиқлик изоляцияси, гидроизоляция ва коррозиядан, бино ва

иншоотларнинг деворларини ташқи ва ички қисмларини иссиқлик йўқотишлардан, намгарчиликдан, моғорлашдан ҳимоя қилишга қартилган. "IZOFULL нано" аънанавий бўёқ каби суркалиб ёки сепилиб уни амалга оширишда: чўтка, роликли, паст ва юқори босимли пуркагичларлардан фойдаланилади.

Марказда муваффақиятли амалга оширилган яна бир лойиҳа – бу **"Pure water"** стартап-лойиҳаси (164 млн сўм). Лойиҳа кенг тарқалган пластик идишларга ўрнатилган сувни тозалаш учун арзон сорбсион филтрлардан фойдаланишни таклиф қилади.

Стартаплар бўйича халқаро ҳамкорлик

1. Сколководаги "Софтлендинг" дастури асосида қўшма Ўзбекистон-Россия стартап-лойиҳалари танловида иштирок этиш



вакиллари "Сколково" инновацион марказига Ўзбекистон учун навбатдан ташқари ташкил этилган "Софтлендинг" дастури асосида малака ошириш учун 2 февраль куни Москва шаҳрига жўнатилди.



"Сколково" Инновация маркази томонидан йилига уч марта ташкил этиладиган "Софтлендинг" дастурининг мақсади – илғор мамлакатларнинг инновацион тузилмаси, бозор салоҳияти, "Сколково" инновация марказининг шериклари, хорижий юқори технологик компаниялар фаолияти билан таништириш. Дастурда соҳа менторлари, муваффақиятга эришган тадбиркорлар ва "Сколково"

мутахассислари инновацион тадбиркорлик қоидалари ва юридик шахс ташкил этиш босқичида юзага келиши мумкин бўлган хатарларни қандай камайтириш кераклиги ҳақида батафсил маълумот берилди. Ўзбекистондаги ислохотлар, стартап экотизимининг шиддат билан ривожланаётганини инобатга олиб, россиялик ҳамкорлар ҳамда юрдошларимиз учун ўқув дастури ташкил этилди.

Дастур иштирокчиларига технопаркнинг коворкинг марказидан бепул фойдаланиш учун иш ўрни ажратилди. Дастурни тугатгач "Сколково" технопарки резиденти бўлиш учун мурожаат қилиш имкониятлари мавжуд. Стартапёрлар ўз бизнесларини ривожлантириш учун бир ҳафта давом этган дастур давомида олинган билим, кўникма ва билимлардан унумли фойдаланиши кутилмоқда.



Стартаплар бўйича халқаро ҳамкорлик

2020 й. 11-феврал куни Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлиги Россия Федерацияси Инновацияларни рағбатлантириш жамғармаси билан биргаликда "Ўзбекистон – Россия Федерацияси" стартап-лойиҳалар учун танлов эълон қилинган.

Биргаликда ўтказиладиган стартап-лойиҳалар Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлиги ва Россия Федерацияси Инновацияларни рағбатлантириш жамғармаси ўртасида имзоланган Ҳамкорлик тўғрисидаги битимга мувофиқ амалга оширилган. Ушбу танловда иштирок этиш учун инновацион фаолият билан шуғулланувчи юридик шахслар Россия Федерациясининг тадбиркорлик субъектлари билан лойиҳани "лойиҳа шериклари" сифатида биргаликда амалга ошириш тўғрисида келишиб олишдилар.



6 апрель куни Россия Федерациясининг "Сколково" жамғармаси раиси Аркадий Дворкович Инновацион ривожланиш вазирлигига ташриф буюрди. Ташриф аввалида А. Дворкович стартап-лойиҳалар доирасида яратилган ишланмалар, тайёр маҳсулотлар ва саноат намуналари кўргазмаси билан танишди, стартап-лойиҳалар муаллифлари билан учрашиб, улар билан суҳбат қурди, ёшларнинг саволларига жавоб берди.

3. "Ўзбекистон-Туркия" стартап ва инновацион лойиҳалар танлови



Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлиги ва Туркия Республикаси Фан ва технологик тадқиқотлар кенгаши (TUBITAK) ҳамкорликдаги 2019 йилнинг 10 май санасидан 1 августига қадар "Ўзбекистон-Туркия" стартап ва инновацион лойиҳалар танловини эълон қилинган. Стартап инновацион лойиҳаларни бажариш Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш

вазирлиги ва Туркия Республикаси Фан ва технологик тадқиқотлар кенгаши (TUBITAK) ўртасида имзоланган ҳамкорлик шартномаси доирасида ҳамда Инновацион ривожланиш вазирлигининг 219 йил 20 майдаги 118-сон буйруғи асосида амалга оширилган.

"Ўзбекистон-Туркия" стартап ва инновацион лойиҳалар доирасида бажарилиши икки йилга мўлжалланган лойиҳалар танлови эълони бўйича 11 та лойиҳа келиб тушди. Лойиҳалар ўрнатилган тартибда тегишли бошқармалар томонидан илмий ва техник экспертизалардан ўтказилди, Танлов натижаларига кўра 1 825,75 млн сўмлик 2 та лойиҳа молиялаштиришга тавсия қилинган.

Стартаплар бўйича халқаро ҳамкорлик

3. Ислом тараққиёт банки кўмагида Transformers Roadshow танлови


12 март куни Ўзэкспомарказ ҳудудида ИТС биносида Ислом тараққиёт банки (ИТБ) кўмагида Transformers Roadshow илмий танлови ўтказилди.

Тадбир Ўзбекистон Инновацион ривожланиш вазири Иброҳим Абдурахмоновнинг табриги билан бошланди ва у танлов республикада илмий ташаббусларни амалга ошириш учун ажойиб имконият эканлигини таъкидлади.



бўйича мураббийлардан маҳорат дарсини ҳам қўлга киритдилар.

Танловда жами 50 дан ортиқ тадбиркор, олим ва инноватор иштирок этди. 20 та ариза БРМ дастурига (2030 йилгача Барқарор ривожланиш мақсадлари), жумладан, инновация, таъсир ва қамрови, йириклиги, барқарорлиги, патентлаш ва тижоратлаштириш каби омилларга мувофиқ лойиҳаларни баҳолаш учун танланган. Танлов иштирокчилари лойиҳаларни ривожлантириш, топшириш ва амалга ошириш



Танловда ҳайъат ва менторлар сифатида ИТБ Бош маслаҳатчиси Ҳаят Синди, Leverage Science компанияси бош директори Фил Рондаззо ва компания асосчиси Ларс Кройер, Allied Crowds вакили, шунингдек, Ўзбекистон инновацион ривожланиш вазири Иброҳим Абдурахмонов иштирок этган. Мутахассислар турли соҳаларда ўнлаб тақдимотларни тинглаб, тўртта ғолибни аниқлади:

1. Сувни тозалашни яхшилаш лойиҳаси;
2. Пробиётиклар ишлаб чиқаришни яхшилаш лойиҳаси;
3. Қорақалпоғистон Республикасида цемент ишлаб чиқаришда хом ашё унумдорлигини ошириш лойиҳаси;
4. Ўзбекистонда Даун синдроми бўлган болаларни ривожлантириш марказини ташкил этиш лойиҳаси.

Ҳар бир ғолиб 3000 АҚШ доллари соҳиби бўлиб, 2019 йилда Сенегалда ўтказиладиган Transformers Roadshow саммитига таклиф қилиниб, SmartImpact Capital онлайн курсига ўқиш имкониятлари берилди.

Стартаплар бўйича халқаро ҳамкорлик

4. Сотрудничество с Венгрией

Венгриянинг Бош вазири В. Орбаннинг Ўзбекистон Республикаси расмий ташрифи доирасида 2021 йил 30 март куни Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазири И. Абдурахмонов Венгрия Ташқи ишлар ва савдо вазири П. Сийярто билан музокара ўтказди.

Учрашув аввалида вазир И. Абдурахмонов юқори мартабали меҳмонни Инновацион ривожланиш вазирлигининг илм-фан, технологиялар ва инновациялар соҳасида сўнгги йилларда амалга оширилаётган ишлар ва келажақдаги режалар билан таништирди. Шунингдек, томонлар қуйидаги йўналишларда ҳамкорликни йўлга қўйиш масалаларини муҳокама қилишди:



1. Икки давлат илм-фан намоёндалари ўртасида ҳамкорликни ва тўғридан-тўғри алоқаларни ривожлантириш мақсадида қўшма илмий лойиҳалар танловини ташкил этиш. Ушбу йўналишда томонлар 2021 йилнинг май-июнь ойларида қўшма-илмий лойиҳалар танловини эълон қилиш бўйича тегишли чоралар амалга оширишга ва илмий лойиҳаларни молиялаштириш бўйича томонлар умумий

2 миллион евро атрофидаги молиявий маблағлар ажратишга келишиб олдилар.



2. Ёш тадқиқотчи ва олимлар малакасини ошириш ва Венгрия илм-фан соҳасидаги экотизим билан яқиндан танишиш мақсадида стажировкалар дастурларини ташкил этиш. Бунда венгрия томонидан ўзбек томонига аввал тақдим этилган тўлиқ молиялаштирилувчи 100 нафар талаба ва тадқиқотчилар учун таълим ва малака ошириш дастурида иштирок этиш таклифи илгари сурилди.

Венгрия Ташқи ишлар ва савдо вазири П.Сийярто Инновацион ривожланиш вазирлигининг Венгрия билан ҳамкорликда амалга ошириш учун имкониятлар кўламини юқори баҳолади ва муҳокама этилган йўналишларда ҳамкорликда ишлаш бўйича вазирликка қўмақдош бўлишга тайёригини билдириб ўтди.

Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлиги томонидан амалга оширилган стартап-лойиҳалар

1. Экологик стартаплар



"Оролбўйида балиқчиликни ривожлантириш, шунингдек йўқолиб кетиш хавфи остида турган балиқ турларини тиклаш" стартап-лойиҳаси (400 млн сўм) ҳудудда балиқчиликни ривожлантиришга йўналтирилган. Балиқ турлари, шунингдек, қизил китобига киритилган ва йўқолиш хавфи остида турган олдинги Орол денгизи балиқлари турларини тиклаш ва балиқ личинкаларини етиштириш. Лойиҳанинг

мақсади – Мўйноқ туманида балиқчиликни ривожлантириш, табиий ва сунъий қўллар учун човоқлар етиштиришни йўлга қўйиш, юқолган ва юқолиш хавфи остидаги балиқ турлари популяциясини қайта тиклашдан иборат.

Агро-экотуризм бўйича **"My Garden in the Aral Sea"** (574 млн сўм) стартап-лойиҳаси Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Оролбўйи халқаро инновация маркази томонидан Орол денгизининг қуриган тубида шўрланган ерларда экотизим ҳамда барқарор турмуш даражасини таъминлаш, халқаро ташкилотлар билан инновация ва ерларнинг шўрланган ҳудудида экологик муаммоларни ҳал қилишга қаратилган.



"Агро-лоток" стартап-лойиҳаси (300 млн сўм) бу қишлоқ хўжалик экинларини суғориш тизимига ўрнатиш бўлиб, улардан фойдаланиш орқали иккита масала – сувни тежаш ва ўсимликларни ўсиш самарадорлигини ошириш, хусусан, барча турдаги дарахтлар (мевали ва манзарали) ҳамда полиз экинларини ривожлантириш амалга оширилади. "Агро-лоток" инновацион маҳсулотининг афзалликлари ишлатилган

сувнинг 40% ва ундан кўпини тежаш, тупроқнинг шўрланишини пасайтириш, тупроқ эрозияси ва бегона ўтларнинг кўпайишини олдини олишдан иборат.

Автоном уруғ экувчи ускуна **"Forest Builder"** стартап-лойиҳаси (30 млн сўм) – чўлларда ва дала даштларда қуёш панеллари ёрдамида мутлақо ёнилғисиз саксовул ва бошқа уруғларни экиш учун мўлжалланган қурилма. Одам меҳнати билан экиладиган уруғларни автоматик тарзда экиш, пахта экинзорларини ва дала майдонларини юмшатиш учун мўлжалланган.

Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлиги томонидан амалга оширилган стартап-лойиҳалар

2. Робототехника бўйича стартаплар



"Бионик қўл" стартап-лойиҳаси (500 млн сўм) – туғма аномал қўлсиз ва ҳаёти давомида қўли ампутацияга учраган инсонлар учун ишлаб чиқарилган махсус бионик робот қўл протези. Ушбу протезнинг афзалликларидан бири – чет-елда ишлаб чиқариладиган протезлардан 10 баробар арзон. Соғлиқни сақлаш тизимидаги тиббиёт муассасаларида, мудофаа соҳасида фаолият юритган шахсларга шунингдек,

аҳолининг мухтож қисмларида қўлланилади.

"Гуманоид робот" стартап-лойиҳаси (80 млн сўм) туризм, саноат ва ишлаб чиқариш соҳаларини инновацион ва технологик жиҳатдан ривожлантириш мақсадида ишлаб чиқилган тўлиқ сунъий интеллектда ишлайдиган илк одамсимон гуманоид робот. Робот саволларга жавоб бера олади ва инсон ҳаракатларини такрорлайди. Ушбу роботни аэропорт, вокзал, ресторан ва меҳмонхоналарда туризмни ривожлантириш




мақсадида ишлатиш мумкин.



"DEVISER" стартап-лойиҳаси (272 млн сўм) – Тошкент Турин политехника университети Deviser электрон конструктори болаларнинг робототехника, физика ва электроника соҳасидаги бошланғич билимларини ҳосил қилиш учун мўлжалланган ишланма. "DEVISER" электрон конструктор ёрдамида овоз симуляторлари ва автоматик чироқлар яратиш мумкин.

"Small Nova" стартап-лойиҳаси (10 млн сўм) – котиба роботи ишхона, офислар ёки қабулхонада фойдаланишга мўлжалланган бўлиб нафақат суҳбатлашишга, балки musiқага рақсга туша олади. Офис ва қабулхоналарда суҳбатдош вазифасини бажара олади ва келган меҳмонларни саволларига жавоб беради.



Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлиги томонидан амалга оширилган стартап-лойиҳалар

3. Соғлиқни сақлаш соҳасидаги стартаплар

"LiPach" стартап-лойиҳаси (580 млн сўм) – одам терининг шикастланиши ва майда жароҳатларда бирламчи ёрдам сифатида қўлланиладиган суюқ ямоқ. Асосий афзалликлари – қулайлиги ва кенг тармоқлилиги: инсон харакатини чеклантирмайди ва намликка турғун, тери шикастланиши ва жароҳатини шакли ва ўлчамидан истисно.



"Юкумли касаликлар диагностикаси ва олдини олиш, гўшт ва сут маҳсулотларининг сифатини яхшилаш, инфекциян касаликларни профилактикаси ва даволаш, касаликларнинг эпидемиологик аҳамиятини пасайтириш учун маҳаллий инновацион дори воситаларини жорий

этиш" (900 миллион сўм) МЧЖ ҚҚ "BIBINOR" бруцеллезнинг яширин шакллари аниқлаш учун бруселлез иммунопотенцияланган вакцинасини ишлаб чиқаришга қаратилган стартап-лойиҳаси. Бундан ташқари, препарат ОИВ инфекциясини юқтириш манбаларини зарарсизлантириш учун иммунокоректор ҳисобланади. Ишлаб чиқаришнинг sanoat ҳажми йилига 10 миллион дозани ташкил этади.

«BIOTEST-LAB» МЧЖ компаниясининг "Диагностика тўпламларини ишлаб чиқариш" (977 миллион сўм) стартап-лойиҳаси.

Ўзбекистонда қонда ва карбамидда аланин аминотрансфераза, глюкоза, гемоглобин, билирубинни аниқлаш учун мослаштирилган диагностика воситаларини яратиш технологиясини ишлаб чиқишга қаратилган ишлаб чиқариш лойиҳаси.



"EYECARIA" стартап-лойиҳаси (25 млн сўм) – кичик болаларда кўз тўр пардасида ҳосил бўладиган рақни аниқлашда доктор-бемор алоқасини инновацион йўлга қўядиган платформа. Ушбу платформа ёрдамида кўз касаликларини олдини олиш, чекка ҳудудларда шифокорлар етишмаслигини камайтиришга қаратилган.

Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлиги томонидан амалга оширилган стартап-лойиҳалар

4. IT-технология соҳасидаги стартаплар



"Smart Car" стартап-лойиҳаси (120 млн сўм) – автомобилни уяли телефон орқали масофадан WI-FI тизими ёки мобил алоқа тўлқини ёрдамида бошқариш қурулмаси. Бу қурулмадан фойдаланиб машинани эшикларини очиш-ёпиш, двигателни ўчириб-ёқиш, люк бошқаруви, фараларни ўчириб-ёқиш, юкxonани очиш, хавфни билдириш, автоматик қўлфлаш, вақт белгилаш ва ҳ.к.

"NazzAR" стартап-лойиҳаси (1 млрд сўм) – смартфон ва планшетларни материаллар билан тўлдирилган реаллик элементлари билан бойитилган мобил илова. Смартфон орқали NazzAR белгисига йўналтирилганда мобил қурилма экранида реал объектларнинг 3D шакллари, ведио роликлари, фото суратларнинг жонланиши тасвирланади. Шунингдек, турли эффе́ктлар билан тўлдирилиб борилиши мумкин.



Электрон тижорат соҳасида "Wherebuy & Mobisklad" стартап-лойиҳаси (500 млн сўм) – ООО "Upgrade" томонидан ишлаб чиқилган дастур дўконларга товарларни Интернет орқали сотиш орқали янги савдо даражасига кўтарилишига ёрдам беради ва сабабсиз зарар кўрмайди. Ушбу маҳсулотнинг мақсадли аудиторияси нафақат чакана савдо шохобчалари, балки ўзларининг савдо нуқталарига ташриф буюрмасдан Интернет орқали керакли маҳсулотларни топишни истаган харидорлар учундир.

"Робототехника асослари" стартап-лойиҳаси (30 млн сўм) – таълим тизимида янги технологияларни қўллаган ҳолда етук кадрларни тайёрлаш, талабаларни соҳа-корхоналар билан интеграллаштирилган ҳолатда ўқитиш мақсадида виртуал реаллик лабораторияси. VR-технологияси ёрдамида барча таълим ва корхона соҳаларида бу каби муаммони ечиш имкониятини беради.



Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлиги томонидан амалга оширилган стартап-лойиҳалар

5. Ёш олимлар ва тадбиркорларнинг стартаплари

Стерилизатор ва дезинфекциялаш воситаси **"Clean Vox"** стартап-лойиҳаси "Лотус Инжиниринг" асосида ишлаб чиқилган (800 млн сўм). "Clean Vox" кийим ва поябзалдаги микробларни зарарсизлантириш, ҳавони тозалаш ва дезинфекция қилиш, учувчан органик моддаларни (ҳидларни) йўқотиш, шунингдек, болалар ўйинчоқларини ва бошқаларни дезинфекция қилиш учун фойдаланилади.



"Кўчатларни 'in-vitro' усулида кўпайтириш лабораторияси" стартап-лойиҳаси (773 млн сўм) "in-vitro" усули ёрдамида мевали, манзарали, хонада ўсадиган ўсимликларнинг кўчатларини кўпайтиришга қаратилган. Ҳозирда ушбу лабораторияда мевали ва манзарали дархат кўчатлари вегетатив усулда замонавий технологиялар асосида етиштирилмоқда. Лойиҳанинг амалга оширилиши натижасида

шу пайтгача хориждан олиб келинган мевали ва манзарали дархат кўчатлари маҳаллий шароитда тайёрланмоқда.

"Braille display" стартап-лойиҳаси (10 млн сўм) – кўзи ожиз ва кўриш қобилияти паст бўлган инсонларни компьютердан фойдаланишлари учун махсус клавиатура. Ушбу электромеханик мослама Брайл алифбосидаги белгиларни текис юзадаги тешиклар орқали кўрсатилган.



"ЛОГОС" стартап-лойиҳаси – бош мия қон айланишининг ўткир бузилиши – инсултлар туфайли келиб чиқадиган афазияли инсонлар нутқини тиклашга ёрдам берувчи ўзбек тилидаги биринчи мультимедияли мобил илова яратиш. Республикамиздаги барча инсулт ўтказган афазияли беморлар учун эффектив услубий қўлланма бўлиб, инсулт асорати бўлмиш депрессия, деменция, деградация, ижтимоий дезадаптациия кўрсаткичларини аҳамиятли камайитиришга хизмат қилади.

"UZVC" миллий венчур фонди



Инновацион ғоялар ва стартап-экотизимни қўллаб-қувватлаш инфратузилмасини яратиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 3 ноябрдаги ""UZVC" миллий венчур фонди фаолиятини ташкил қилиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги 684-сонли Қарорига мувофиқ "UZVC" миллий венчур фонди ташкил этилди ва "UzVC" миллий венчур фонди масъулияти чекланган жамияти (МЧЖ)

сифатида 2020 йилнинг 15 декабрида давлат рўйхатидан ўтказилди.

"UZVC" миллий венчур фонди қуйидаги йўналишларда фаолият кўрсатади:

- Венчур инвестициялар бозорини ривожлантириш;
- Венчур экосистемасининг норматив-ҳуқуқий базасини такомиллаштириш;
- Хусусий сектор ва давлат ўртасидаги агент сифатида боғлаб туриш;
- Бизнес инкубация ва акселерация тизимини ривожлантириш;
- Венчур капитал бўйича молиявий саводхонликни ошириш;
- Халқаро венчур фондлар билан алоқалар ўрнатиш.

Шунингдек, "UZVC" миллий венчур фонди стартап-лойиҳалар рўйхатини мунтазам шакллантириб боради ва экспертизадан ўтган лойиҳаларга маблағ жалб қилишга кўмаклашади. Шунингдек, Қарорга мувофиқ "UZVC" миллий венчур фонди маблағларини ишончли бошқарувга бериш мақсадида Давлат активларини бошқариш агентлиги томонидан танлов эълон қилинган.



Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлиги Инновацион ривожланиш вазирлиги ва Капитал бозорини ривожлантириш агентлиги билан биргаликда Фонд фаолиятини амалга ошириш учун шаффоф, рақобатбардош ва танлов муҳити асосида устав капиталида давлат улуши бўлмаган мустақил хусусий бошқарув компаниясини давлат харидлари тўғрисидаги қонун ҳужжатларида белгиланган

тартибда танлайди ва шартнома асосида бошқарувга берилишини таъминлайди.

Илмий ишланмаларни тижоратлаштириш



2019-2020 йиллар давомида Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлиги Илмий ишланмалар ва технологияларни тижоратлаштириш ҳамда трансфер қилиш бошқармаси томонидан жами 70 та (2019 й. – 28 та, 2020 й. – 42 та) инновацион ишланма тижоратлаштирилди. Олиб борилган ишлар натижасида умумий қиймати 80,5 млрд сўм (2019 й. – 38,8 млрд сўм, 2020 й. – 41,7 млрд сўм) миқдорда маҳсулот ишлаб чиқарилган ва 66,6 млрд сўмлик (2019 й. – 33,4 млрд сўм, 2020 й. – 33,2 млрд сўм) маҳсулот сотилган.

Жумладан, Биоорганик кимё институти томонидан шўрланган тупроқлар таркибидаги тузларни самарали ювувчи, "Биосолвент" препарати лойиҳасини амалга ошириш мақсадида "Innovatsion Bio Texnologiyalar" МЧЖ ташкил қилиниб, маҳаллий ва импорт ҳом ашёлар сотиб олинди. Хозирда ишлаб чиқариш учун ускуналар ўрнатилди ҳамда ишлаб чиқариш йўлга қўйилиб, "Innovatsion Bio Texnologiyalar" МЧЖга "Яшнобод"



технопарк резиденти мақоми берилди.



Умумий ва ноорганик кимё институтининг "Марказий Қизилқум фосфоритлари асосида оддий суперфосфат ишлаб чиқаришнинг замонавий технологиясини ишлаб чиқиш ва жорий қилиш" лойиҳаси бўйича 2019 й. 15,1 млрд сўм ва 2020 й. 9,5 млрд сўм қийматга эга 17 733 тонна гранулали оддий суперфосфат ишлаб чиқарилган. 2019 й. 10,1 млрд сўмлик ва 2020 й. 5 млрд сўмлик

9,8 минг тонна маҳсулот сотилган. Йилига 16,5 минг тонна оддий суперфосфат олиш қувватига эга тажрибавий-саноат қурилмаси яратилди.

Институтнинг "Нефть-газ соҳасида қўлланиладиган техник сульфаноли ишлаб чиқариш технологиясини ўзлаштириш" лойиҳасини амалга ошириш мақсадида "Сирт Фаол Моддалар" МЧЖ ташкил қилинди. Шунингдек, институтнинг "Маҳаллий хом ашёдан фаоллаштирилган кўмир олишнинг технологияси" бўйича тажриба-саноат ишлаб чиқариш учун "Муборак газни қайта ишлаш заводи" томонидан 45 млн сўм тўлов амалга оширилган ҳамда 3 тонна фаоллаштирилган кўмирнинг тажриба-саноат наъмунаси ишлаб чиқарилган.

Илмий ишланмаларни тижоратлаштириш

Шунингдек, Умумий ва ноорганик кимё институтининг "Енгил учувчи углеводородларни буғланишдан йўқотилишини камайтириш ва тўсатдан сиғим ичида пайдо бўлувчи ёнғинни ўчирувчи сузувчи понтон ишлаб чиқаришни ташкил этиш" лойиҳаси бўйича "Кимёвий технология" МЧЖ 2019-2020 йилларда 2,5 млрд сўмлик маҳсулотлар ишлаб чиқарилиб амалга оширилган.



Ядро физикаси институтининг ишланмаси бўлган "Нанокөмпозит катионитдан фойдаланган ҳолда сувнинг кимёвий таркибини ўзгартириш ускунаси"ни шартномага асосан "Toshisqquvat» ДУК ва Навоий кон-металлургия комбинати импорт ўрнини босувчи нано көмпозитли катионит асосида ишловчи сувни кимёвий тозалаш бўйича 474 млн сўмлик 10 тадан ортиқ көмплект ускунасини харид қилди.

"BIOTECH INVEST GROUP" LLC (АҚШ) компанияси томонидан Микробиология институтининг "FOSSTIM, RIZOKOM" биоўғит ишланмасини "Green Bio Tech" МЧЖ қўшма корхонаси инновацион компания тузиш орқали тижоратлаштириш учун 372,6 минг АҚШ доллари миқдорида инвестиция киритилди ва ишлаб чиқариш йўлга қўйилди ҳамда 4,39 млрд сўмлик "FOSSTIM, RIZOKOM" ва "Serhosil" биоўғити ишлаб




чиқарилиб реализация қилинди.



Илмий тадқиқотларни тижоратлаштириш, уларнинг амалий самарадорлик ва натижадорлигини, "бўюртмачи-тадқиқотчи-инвестор" узвийлигини таъминлашга қаратилган инновацион ишланмаларнинг маҳсус Портали ишга тушурилди. Инновацион лойиҳалар ва салоҳиятли инвесторлар ҳақида мунтазам янгиланувчи Порталда 606 дан ортиқ инновацион ишланмалар мавжуд.

2020 йил ноябрь ойида Вазирликда ихтиролар, фойдали моделлар, саноат намуналари, селекция ютуқларининг "Электрон ярмаркаси" ташкил этилди, ҳамда фармацевтика ва тиббиёт соҳасида қўлланиладиган ва тижоратлаштиришга тайёр бўлган илмий ишланмалар инновацион кўрғазмаси ўтказилди.

"Стартаплар тўғрисидаги" қонун лойиҳаси



Лойиҳа яратувчиси	Муҳокамага чиқариш санаси	Яқунланиш санаси	Таклифлар сони	Коррупцияга қарши экспертиза
Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлиги	27/04/2020	12/05/2020	9	Гендер экспертиза
				Суровнома

Стартапларни ташкил этиш ва ривожлантириш соҳасидаги муносабатларни, шунингдек, рағбатлантириш механизмлари ва ўз фаолиятида инновацион ғоялардан фойдаланишни тартибга солиш мақсадида 2020 йилда Ўзбекистон Республикаси "Стартаплар тўғрисидаги" қонуни лойиҳаси Инновацион ривожланиш вазирлиги томонидан ишлаб чиқилди ва Ўзбекистон Республикаси норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар

лойиҳалари муҳокамаси портали www.regulation.gov.uzга жойлаштирилди.

Стартапларни ташкил этишнинг асосий принциплари

Стартапларни амалга ошириш учун йўналишни, манбаларни ва шартларни танлаш эркинлиги

Стартапларни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш дастурларидан тенг фойдаланишни таъминлаш

Экологик, илмий, ахлоқий меъёрларга риоя қилиш, инсон ҳаёти ва соғлиғига, аτροφ-муҳитга зарар етказмаслик

Стартап-экотизимни ташкил этиш ва ривожлантиришни давлат томонидан қўллаб-қувватлашнинг асосий йўналишлари

Стартап-экотизимни ривожлантириш учун қулай ижтимоий ва иқтисодий шароитларни яратиш

Устувор йўналишларни аниқлаш ва стартап-экотизимни қўллаб-қувватлаш бўйича чора-тадбирларни амалга ошириш

Стартапларни ривожлантириш ва корхоналарни рағбатлантириш бўйича давлат дастурларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш

Стартап-экотизим иштирокчиларини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш

Стартап-экотизимни ривожлантириш бўйича халқаро ҳамкорликни амалга ошириш

Венчур капитал соҳасини ривожлантиришга қўмаклашиш ва венчур капитал ташкилотларини стартапларга инвестиция киритишга рағбатлантириш

"Стартаплар тўғрисидаги" қонун лойиҳаси

Стартап-экотизимини ташкил этиш, стартапларни рўйхатга олиш, мониторинг қилиш ва ривожлантириш, шунингдек бизнес-инкубаторлар ва стартап-акселераторларни сертификатлаш бўйича ваколатли давлат органи Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлиги ҳисобланади. Хусусан Вазирлик кўмак дастурларини тақдим этиш тартибини ишлаб чиқади, кўмак дастурларини тақдим этиш ёки рад этиш тўғрисида қарор қабул қилади, стартаплар, бизнес инкубаторлар ва стартап акселераторларни рўйхатдан ўтказиш ва ҳисобга олиш учун ягона онлайн платформани ташкил қилади ва мувофиқлаштиради. Инновацион ривожланиш вазирлиги шунингдек стартап-экотизимида иштирокчиларни рўйхатдан ўтказиш ёки рад этиш тўғрисида қарор қабул қилади.



Бундан ташқари стартапларни молиялаштириш ва уларни молиялаштиришда чет эл венчур капиталини жалб қилиш учун қўшимча чоратадбирлар доирасида Стартап виза дастури (Startup Visa) ҳам ишга туширилиши режалаштирилган. Стартап виза — Ўзбекистон Республикасида ўз бизнесини биринчи мартаба, 2 йил муддатга бошлаган, юқори салоҳиятга эга хорижий ишбилармонларга,

шунингдек чет эл стартаплари ва жалб қилинган менторларга Ўзбекистон Республикаси стартаплари ўртасида тегишли келишув муддати давомида иш (бизнес) визаси учун мўлжалланган визалар туридир.

Стартапларни молиялаштириш манбаларига Ўзбекистон Республикасининг ва Қорақалпоғистон Республикасининг бюджетлари маблағлари, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маҳаллий бюджетлари, индивидуал ва корпоратив венчур инвесторлари, халқаро грантлар, тижорат банкларининг, шу жумладан хорижий ва халқаро молия институтларининг мақсадли кредитлари ва бошқа манбалар киради.



1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг "Илмий-тадқиқот ва инновацион фаолиятни ривожлантиришнинг норматив-ҳуқуқий базасини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида" Қарори // <https://lex.uz/ru/docs/4759202>
2. ID-17135 Стартаплар тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Қонуни // <https://regulation.gov.uz/uz/document/17135>
3. Проект Закона "О стартапах" размещен для обсуждения // <https://mininnovation.uz/ru/news/1959>
4. Центр передовых технологий // <https://mininnovation.uz/ru/organizations/ilor-tehnologijalar-markazi1>
5. CAT Science Accelerator // <https://cat-sa.uz/uz/>
6. Постановление Президента Республики Узбекистан "О мерах по совершенствованию системы привлечения молодежи к науке и поддержке ее инициатив" // <https://lex.uz/ru/docs/4494506>
7. Академия молодежи – Новости // <https://yoshlarakademiyasi.uz/ru/%D0%BE%D1%81%D0%BD%D0%BE%D0%B2%D0%BD%D0%BE%D0%B9/>
8. В Узбекистане создается Академия молодежи // <https://uznews.uz/ru/article/16650/>
9. В Узбекистане создана Академия молодежи // <https://uz.sputniknews.ru/20190831/V-Uzbekistane-sozdana-Akademiya-molodezhi-12335876.html>
10. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг ""Uzvc» Миллий венчур фонди фаолиятини ташкил қилиш чора-тадбирлари тўғрисида" Қарори // <https://lex.uz/ru/docs/5077677>
11. Министр инновационного развития посетил Молодежный инновационный центр в Фергане // <https://mininnovation.uz/en/news/2075>
12. Создан национальный венчурный фонд "UzVC" // <https://mininnovation.uz/en/news/2564>
13. Создается Национальный венчурный фонд // <https://www.gazeta.uz/ru/2020/11/05/venture-fund/>
14. Создается Национальный венчурный фонд UzVC // <https://www.uzdaily.uz/ru/post/56548>
15. Создается национальный венчурный фонд // https://www.norma.uz/novoe_v_zakonodatelstve/sozdaetsya_nacionalnyy_venchurnyy_fond
16. Функции Управления коммерциализации и трансфера научных технологий и разработок // <https://mininnovation.uz/ru/departments/ilmij-ishlanmalar-va-tehnologijalarni-tizhoratlashtirish-amda-transfer-ilish-bosharmasi>
17. Ўзбекистоннинг 25 стартап компанияси вакиллари "Сколково"да малака оширмоқда // <https://mininnovation.uz/uz/news/03-02-2020-Skolkovo-softlending>
18. Ўзбекистон-Россия қўшма стартап-лойиҳалари танлови // <https://mininnovation.uz/uz/competitions/sall-for-uzbek-russian-joint-startup-projects>
19. Председатель фонда "Сколково" посетил Министерство инновационного развития // <https://mininnovation.uz/ru/news/2998>
20. Министр инновационного развития принял министра иностранных дел и внешней торговли Венгрии // <https://mininnovation.uz/en/news/2980>



Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлиги
хузуридаги Илмий-техник ахборот маркази
Тошкент - 2021 й.